# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 8 (9.505) 2001 йил 19 январь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

❐ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати жамоасини 2000 йилдаги юксак иш кўрсаткичлари билан қутлаб табрикнома йўллади.

❐ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

❐ **Кеча** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг 2000 йилдаги фаолияти ва келгуси режаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

❐ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ижтимоий-гуманитар йўналишдаги олимларнинг 2000 йилдаги фаолиятига бағишланган ҳисобот йиғилиши ва илмий сессияси бўлиб ўтди.

❐ **Бугун** пойтахтимиздаги «Шодлик» мажмуида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини бунёд этиш» мавзуида халқаро семинар очилди.

❐ **Бугун** Тошкентда Халқаро Ибн Сино жамғармаси қошидаги Ибн Сино Геронтология марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

❐ Нурота туманидаги Папанай қишлоғида яшовчи Салоҳиддин Нодиров «Эколот» лаҳзали лотерея ўйинида иштирок этиб, 10 миллион сўмлик ютуқ эгасига айланди ва бир зумда миллионер бўлди. Папанайлик миллионер ютуқнинг бир қисмини меҳр-саховат йўлида сарфлашга аҳд қилди.

### Жаҳонда

❐ Озарбайжон ва Арманистон Европа Кенгашининг аъзолари бўлдилар. Страсбургда бўлиб ўтган Европа Кенгаши вазирлар қўмитасининг мажлисида ана шу ҳақда қарор қабул қилинди.

❐ **Кеча** Ашгабатда Президент Сапармурод Ниёзов НАТО Бош котиби Жорж Робертсон билан музокаралар олиб борди. Улар бетараф Туркманистоннинг Шимолий Атлантика иттифоқи билан барча даражадаги ўзаро муносабатларини, мамлакатнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуридаги иштироки имкониятларини муҳокама қилдилар.

❐ Фаластин мухториятининг раҳбари Ё.Арофат Қоҳирада Исроил ташқи ишлар вазири Ш.Бенами билан учрашди. Ушбу учрашув олдиндан режалаштирилмаган эди. Улар музокара жараёнининг барча томонларини муҳокама қилдилар, Бундан ташқари Ё.Арофат Миср Президенти Ҳ.Муборак билан яккама-якка музокаралар олиб борди. Шунингдек **кеча** Тель-Авив яқинида Фаластин-Исроил маслаҳатлашувлари қайта тикланганлиги хусусидаги хабарлар келди.

❐ Америкалик маъмурлар Нью-Йоркнинг Кеннеди номидаги халқаро аэропортида АҚШ таклифига биноан Ж.Бушнинг инаугурациясига келган Россия Президентининг собиқ иш бошқарувчиси Павел Бородинни ҳибсга олди. Маълум бўлишича, П.Бородин Швейцария прокуратураси айблови билан қўлга туширилган. Хабарларга қараганда, **бугун** собиқ раҳбар қилган жиноий ишлар янада ойдинлашади. Аммо П.Бородин адвокатлари ушбу хатти-ҳаракатларнинг мутлақо ноқонуний эканлигини таъкидлашмоқда.

❐ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Эфиопияда ОИТСга қарши етарли даражада кураш олиб борилмаётганидан ташвиш билдирди.

❐ Эфиопия билан Эритрея ўртасида самолёт қатнови йўлга қўйилди.

❐ БМТ бундан бир ой муқаддам қўйилган талабларни бажармаганлиги учун толибонларга қарши жазо чорасини қўллайдиган бўлди.

❐ Конго Демократик Республикаси Президенти Лоран-Дезире Кабиланинг ўлими тўғрисидаги маълумотлар бутунлай тасдиқланди. **Кеча** Камерунда бўлиб ўтган француз тилида сўзлашадиган олий даражадаги Африка давлатлари раҳбарлари учрашувида ана шу ҳақда хабар берилди. Ушбу мамлакат пойтахти Киншаса шаҳри тўлалигича ҳарбийларнинг назорати остига ўтди, ҳокимиятни тўлалигича бошқариш марҳум Президентнинг ўғли Жозеф зиммасига юкланди.

❐ Исроилда ўзининг бу йилги ўқув машғулотларини ўтказаётган футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Исроил терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувида 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

❐ Москва шаҳрида ўтказилган Россия ҳамда Беларусь ветеран ва ҳаваскор хоккейчилар терма жамоалари ўртасидаги ўйинда Беларусь Президенти Александр Лукашенко майдонга тушди.

❐ Россиянинг Северск шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик Марат Жумаев халқаро гроссмейстерлик талабини бажариб, бош соврин эгаси бўлди.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши*

## «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида

**Олдимизга қўйган олижаноб ва буюк мақсад — миллий истиқлол ғояларини халқимиз, аввало ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида:**

1. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало ёшларимиз онгига сингдириш жараёнини таҳлил қилувчи ва такомиллаштирувчи махсус методологик комиссия таркиби тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича юқори малакали олим ва мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

2.«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш юзасидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг таълим турлари ва босқичларида белгиланган соат ҳажмлари, профессор-ўқитувчиларни малака ошириш курсларидан ўтказганлиги, педагог кадрлар учун тажрибавий дастурлар, маъруза матнлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаганлиги, ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилишнинг турли шаклларини ишлаб чиққанлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан миллий истиқлол ғоясининг илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган Давлат илмий-техник дастури шакллантирилганлиги ҳисобга олиниб, уларнинг таълим жараёнига жорий қилиниши методологик комиссия томонидан ўрганиб борилсин.

3.Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда:

— барча таълим турларида мазкур фанни ўқитишда, таълим жараёни илмий-услубий томонларини жорий ўқув йилининг якунигача ўрганиш мақсадида, бир ҳафта муддатда, етарли илмий салоҳиятга эга ва тажрибали педагог кадрлари мавжуд бўлган таълим муассасаларидан иборат, мамлакат миқёсида экспериментал майдончаларини белгиласинлар ва эксперт ишчи гуруҳларини ташкил қилсинлар;

— тайёрланаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларини юқори малакали экспертлар муҳокамасидан ўтказиб, уларнинг мазмунини алоҳида назорат қилсинлар;

— жорий ўқув йилининг якунига қадар миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда, дарсларнинг ноанъанавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни экспериментал майдончаларда синовдан ўтказиш, ижобий натижаларни янги ўқув йилидан таълим жараёнига кенг жорий қилишни таъминласинлар;

— 2001 йилнинг 25 февралига қадар олий таълим муассасалари учун маъруза матнларини яратиш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил қилсинлар;

— 2001 йилнинг 15 августига қадар умумий ўрта таълим муассасалари учун «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» дарсликларини уларга қўйиладиган талаблар даражасида қайта ишлаш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни таъминласинлар;

— жорий йилнинг 1 сентябрига қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тажрибавий қўлланмани яратиш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил этсинлар;

— ўқув йилида орттирилган тажриба ва синовдан ўтган методик ишланмалар асосида июнь-август ойлари мазкур фандан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этсинлар.

4.Махсус методологик комиссия «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқув жараёнига жорий қилиш мониторингини олиб борсин. Унинг таҳлили асосида таълим дастурларини такомиллаштиришга қаратилган кўрсатма ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишни ташкил этсин ва амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 18 январь

---





*Шаҳримиздаги осмонўпар биноларнинг бунёд этилишида қурувчиларнинг ҳиссаси катта.*
*СУРАТДА: (чапда) электрпайвандчи Ойбек Бобожонов.*
*Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.*

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Асосий Қонунимизни ўрганишга бағишланди

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, унда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш фуқароларнинг, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Шу муносабат билан «Маҳалла» хайрия жамғармасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни маҳаллаларда ташкил этиш мавзуида семинар-кенгаш ўтказилди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг раислари, шу минтақа маҳаллаларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, тарғиботчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ушбу анжуманда сўзга чиққанлар маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш дастурини яратиш ҳамда махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва тегишли қўлланмаларни тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратдилар.

Бош Қонунимизнинг мазмун-моҳияти, жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига оид тарғибот ва ташвиқот ишларини узлуксиз равишда олиб бориш бугунги кунда маънавий-маърифий соҳадаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди ва маҳалла фуқаролари ўртасида Конституцияни ўрганишни ташкил этиш юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

### Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи

Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси ана шундай ташаббус билан чиқди. Ундан асосан тўртта мақсад кўзда тутилган. Биринчиси, ёшлар билан боғлиқ талай муаммолар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Иккинчидан, бу ташаббус фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширади, учинчидан, маҳаллаларимиздаги спорт иншоотларига янада файз киритади, обод қилади, тўртинчидан эса, Президентимизнинг кучли давлатдан кучли жамият сари, соғлом авлод тарбияси каби даъватларининг амалда рўёбга чиқишига хизмат қилади.

Қўмитанинг Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, ФМДП, «Камолот» жамғармаси, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси билан биргаликда **КЕЧА** бўлиб ўтган йиғилишида «Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи» ҳаракатини амалга ошириш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳага мувофиқ, ҳаракатнинг ташкилий жиҳатлари жорий йилнинг биринчи февралига қадар давом этади. Шундан сўнг барча имкониятлар ишга солинган ҳолда, мамлакат миқёсида спорт мажмуаларини барпо этишга киришилади. Унинг биринчи босқичи шароитга қараб Наврўз байрами кунлари амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

### Қисқа сатрларда

✓ **ТОШКЕНТДА** Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Тошкент – Исломобод телекўприги ўтказилди.

✓ **«ЎЗРЕКОРДКОМ»** қўшма корхонасининг телекоммуникация соҳасидаги имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Эндиликда бу корхона аҳолига нафақат юртимизда рўй бераётган саноат, қишлоқ хўжалиги ва биржа янгиликларини, балки қўшни республика Қозоғистонда содир бўлаётган янги хабарларни ҳам етказади.

✓ **БУЮК** Британия билан ҳар соҳадаги алоқаларимиз янада кенгаймоқда. Чунки яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Буюк Британия Кенгаши билан ҳамкорликда 5-синф ўқувчилари учун «Инглиз тили» дарслигини чоп этди.

Шунингдек, «Ўқитувчи» нашриёти 6-синф ўқувчилари учун «Инглиз тили» дарслигини босмадан чиқарди. Тез кунларда ушбу нашриёт ходимлари 7-8-9-синф ўқувчилари учун ҳам айнан шу тилдаги дарсликларни чоп этишни ниҳоясига етказадилар.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги Тиббий-ижтимоий марказ ходимлари деярли ҳар куни тумандаги боғчалар ва мактаблар фаолияти билан яқиндан танишмоқдалар. Ўз олдига хайрли юмушни вазифа қилган ушбу марказ фаолларининг мақсади меҳрга, ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига моддий-маънавий кўмак беришдир.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

**Бугунги сонда:**

• Ғазал мулкининг султони

• Санъатнинг ёш ихлосмандларига

• Турфа олам ажойиботлари

ТВ Дастурлари

# Шоир ҳаётлигида яратилган сурат ҳақида

**Сўз мулкининг султони Алишер Навоий сиймоси илк бор қачон яратилган? Бу савол сизни ҳам қизиқтирса керак. Қуйида шу ҳақда ҳикоя қилмоқчимиз.**

Алишер Навоий улуғ шоир ва йирик давлат арбоби бўлган. У ўз даврининг истеъдодли олимлари, тарихчилари, хаттотлари ва рассомларига ҳомийлик қилган, иқтисодий ёрдам берган.

Ана шундай истеъдодлардан бири қилқалам соҳиби Камолиддин Беҳзод бўлган. Унинг шогирди Маҳмуд Музаҳҳиб ўз қобилияти билан бошқалардан ажралиб турган. Маҳмуд Музаҳҳиб Навоийни яқиндан билган, унинг суҳбатларидан кўп баҳраманд бўлган.

Кунлардан бир кун мусаввирда Навоий сиймосини яратиш истаги туғилади. Бу пайтда шоир анча кексайиб, олтмиш ёшларга яқинлашиб қолган эди.

Маҳмуд ўз ниятига етади. Шоир ҳаётининг охирги кунлари акс этган суратни чизади. Унда Навоий бўй-басти билан гавдаланган, қўлида ҳасса, қадди анча букик.

Шундай бўлса-да, юзидан нур ёғилган шоир узоқларга маъноли боқиб турибди. Суратнинг юқоридаги чап бурчагида «Сурати Амир Кабир Мир Алишер», пастки ўнг бурчагида эса «Амали Маҳмуд Музаҳҳиб», деб ёзиб қўйилган.

Хўш, ҳазрат Навоийнинг ҳаётлик чоғида яратилган расми бизгача қандай етиб келган? Бу сурат биринчи марта Америкада чиқадиган «Ислом санъати» журналида нашр этилган.

Кейинчалик эса рус олими А. А. Семёновнинг «Навоий даври портретлари» (1940) номли китобчасида эълон қилинган.

Маҳмуд Музаҳҳиб яратган бу асарнинг асл нусхаси ҳозирда Эроннинг Машҳад шаҳридаги «Остонан Қудс» кутубхонасида сақланмоқда...

**Баҳодир ҲАБИБ, адабиётшунос.**

**НАВОИЙНИ ЎРГАНАМИЗ**



**560**

**НАЗМ**

## КОШКИ

**(Навоий ғазалига ўхшатма)**

Юрмамиш қисмат йўриқға, юрғонда кўп маъно, кошки!
Нафосот жоми тўлиқға, йўқ эрсайди, ғавғо, кошки!

Сарв*-и равон бўлубсенким, пойингда мен тупроғу, гард,
Бўлсайди оҳ, илдизинг минг кўз ёшимдин айро, кошки!

Кўкға сарвиқоматингни, кўз-кўз этардин толмадинг,
Нур сочарға раҳматинг бул. О...об-га ҳам, дуо, кошки!

Бош силағон бўлурсен гоҳ, сочиб соруғ баргларингни,
Шивирингга еллар ҳамроҳ, бўлсайди чин ҳамроҳ, кошки!

Кеч кузак чоғинда воҳким, иссиқ еллар изғириндир,
Изғиринлар барг қатлини, билмасайди, илло, кошки!

Яланғоч руҳ бирла қақшаб, ҳолинг паришон этма кўп,
Жон берурдим беъмуҳр ҳам, боқий эрса Ялдо, кошки!

Шоҳларингни олиб қочма, «Пойимдаги гард, хок» – дебон,
Замин қадрин илдиздан сўр, бўлмасайди аъло, кошки!

Ганжи меҳрим кўз ёшидин, қоматингни сарв этдиму,
Қаҳрадим шўрҳок заминдек, аслим бўлса барпо, кошки!

Эй, сеней Турсун Муҳаммад, аслингни кўмсаб куйма кўп,
Аслига ким қайтибдурким, сенки қайтсанг, во...ҳ, кошки!

**Турсун МУҲАММАД**

*Сарв - гўзал хушқомат дарахт.



*Тошкентнинг янги даҳа қурилиши майдонида.*

**ҚУРИЛИШ**

# Оилалар қувончи

**Шаҳримизнинг Бехтеров ва Гайдар кўчалари кесишган жойда бунёд этилган 4 қаватли замонавий турар жой биносида 48 та оила уй тўйларини нишонлайди.**

Барча қулайликларга эга бўлган ушбу 3-уйни «Ўзуйжойжамғармабанк»и буюртмаси асосида «Ўртаосиётрансқурилиш» трестининг 733-қурилиш-монтаж поезди бунёдкорлари қурдилар. 3 ҳамда 4 хонадан иборат бўлган турар жой биноси ғиштдан қад ростлаган бўлиб, ошхона, кенг ва шинам айвон, кичик айвонлари ўзига хос тарзда хонадонларга файз бағишлайди.

Уйни сифатли қилиб фойдаланишга топширишда 623-ҳамда 616-қурилиш-монтаж поездлари, «Товкач» хусусий фирмаси қурувчилари ҳам бош пудратчиларга камарбаста бўлдилар. Айниқса, Хайрулла Раимжонов, Ўктам Худойбердиев, Зуҳриддин Қаландаров сингари бунёдкорлар маҳорат билан ишлашди.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

# Сўранг, жавоб берамиз

***Менинг фарзандим туғма ногирон, у қандай имтиёзларга эга эканлиги ҳақида маълумот берсангиз.***

*С.Саидкаримова*

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасига асосан, ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиши, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ногиронлар соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий-таъминот муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниши, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар ва сурункали руҳий хасталикларга чалинган ногиронлар эса ижтимоий-таъминот муассасаларида яшаш ҳуқуқига эга.

* * *

***Онасиз болаларни тарбияловчи шахсларга қандай имтиёзлар берилади?***

*Н.Аброров*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 238-моддасига биноан аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек, қўшимча таътиллар бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолат ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ва она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

Ушбу моддада кўрсатилган кафолатлар ва имтиёзлар, шунингдек ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қилаётган бувига, бувага ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади.

* * *

***Тошкентдаги авиасозлик заводи қачон ишга тушган ва қандай самолётлар ишлаб чиқарилгани ҳақида маълумот берсангиз?***

*Қ.Қодиров*

Ўрта Осиё минтақасидаги энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири бўлган Тошкент авиация заводи (ҳозирги кунда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти) 1941 йили фойдаланишга топширилган. Унда II жаҳон уруши даврида жанговар самолётлар ишлаб чиқарилган. Кейинги йилларда Ил-14, 1958 йилдан транспорт самолётлари, 1966 йилдан АН-22 самолётлари тайёрланган. 1970 йиллар бошларидан эса ИЛ-76 самолётлари ишлаб чиқарилди. 90-йилларда ҳам унинг асосий маҳсулоти бўлмиш ИЛ-76 МФ транспорт самолётлари ишлаб чиқарилди. 1994-йилдан маҳаллий ҳаво йўлларида қатнашга мўлжалланган 64 ўринли янги ИЛ- 114 самолётларини чиқариш ўзлаштирилди. Корхонада, шунингдек АН-70, «Мрия», «Руслан» самолётларининг қанотлари ва бошқа қисмлари ҳам тайёрланган.

* * *

***Ер солиғидан кимлар озод қилиниши ҳақида маълумот берсангиз.***

*С.Сайдалиева*

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 102-моддасига биноан қуйидаги ҳуқуқий шахслар ер солиғидан озод этилади: а) Ёрдамчи тадбиркорлик сифатида фойдаланилмайдиган нотижорат ташкилотлар; б)Маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари;

в) деҳқон (фермер) хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга. Бундан ташқари қуйидаги жисмоний шахслар ҳам ер солиғидан озод этилади:

а) чўпонлар, механизаторлар, ветеринар врачлар ва чорвачилик билан шуғулланадиган бошқа ходимлар;

б) Ўзбекистон Қаҳрамони, «Уруш Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони, учала даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

в)I ва II гуруҳ ногиронлари;

г)ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

д)Чернобиль Атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

е)кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача ер солиғини тўламайдилар.

* * *

***Ўзим тадбиркорлик билан шуғулланаман. Хусусий фирмам бор. Айтингчи, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлиш учун қаерга, қандай ҳужжатларни топширишим керак?***

*М.Мўминов*

Сиз фирмангиз номи тасдиқланган ҳужжат, фирма низоми, ўзингиз истиқомат қилувчи туман ҳокими номига ариза, давлат тўловлари, ҳужжатларни расмийлаштириш учун маълум миқдордаги ҳақ билан туман корхоналарни рўйхатга олиш бошқармасига мурожаат қиласиз.

Сўнг бу ердан корхона рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қарор, Низомдан бир нусхадан, муҳрни олган ҳолда паспорт билан туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига борасиз. Кириш бадалини тўлаганингиздан сўнг товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлишингиз мумкин.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар, ўзингизни қизиқтираётган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилинг.**



Адабиёт дарсида. Равиль Альбеков олган сурат.

ТАҚДИМОТ

# «Қор одам воқеаси»

**Шаҳримиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри томонидан Маннон Уйғур номли Санъат институтининг режиссёрлик олий курсининг дипломанти Нодира Маҳмудованинг режиссёрлик диплом иши – «Қор одам воқеаси» спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тоир Юнус асари асосидаги ушбу спектаклнинг бадиий раҳбари Сергей Каприелов. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг таниқли актёрлари Теша Мўминов, Эркин Комилов, Рихсивой Авазов, Ҳожиакбар Нурматов, Маҳмуд Исмоилов, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Қаҳрамон Абдураҳимов ва бошқалар ижро этганлар.

Ёш санъат ихлосманди Нодира Маҳмудованинг илк режиссёрлигидаги ушбу спектакль театр шинавандалари томонидан муносиб кутиб олинди.

**Дилобар ИСЛОМОВА**

БУ-ҚИЗИҚ

# Ўткир дийдали йигит

**Жанубий Африкадаги Гана мамлакатининг Болганга шаҳри яқинидаги номсиз ўрмонзор қишлоқда Пьер Негаро етмиш йилдан буён яшаб келади. Ҳамқишлоқлари уни ҳурмат қилишади, айримлар эса ундан ҳатто қўрқишади ҳам.**

Гап шундаки, у бирон-бир воситасиз жуда узоқ ерлардаги нарсаларни ҳам бемалол кўра олади. Устига устак Пьер инсон кўзи илғамайдиган нарсаларни яққол кўраверади. Кунларнинг бирида ҳаллослаганча югуриб келиб қишлоқ оқсоқолига нафаси тиқилиб гапира кетди: «Узоқ қишлоқда, жунгли чангалзорида ўрмоннинг дарахт кесиб олинган қисмини тозалаётган икки ишчига ёввойи буқа ҳужум қилди. Ишчилар ҳар томонга жони ҳалқумига тиқилганича қочишди, лекин ёввойи буқа уларни таъқиб қилишда давом этган».

Оқсоқол «Бўлмаган гап» деб унинг сўзларига ишонмади. Кейинроқ маълум бўлишича, ёввойи буқа ҳақиқатдан ҳам ишчиларни қувган — бирини топтаб ўлдирган, иккинчиси қочиб жон сақлаган. Бу ҳодиса Пьер турган ердан қарийб 60 чақирим нарида рўй берган.

Негаронинг ҳамқишлоқларига ҳикоя қилишича, Ва деган шаҳарнинг жанубий чеккасида ёнғин чиққан. Бу ер Пьерлар қишлоғидан 300 чақирим олисда бўлган. Ёнғин бутун бир кўчани эгаллаган. Кейинчалик шоҳидлар бу ҳодисани тўла тасдиқлашган.

Йиллар ўтиши билан Пьер ўзининг ғалати хусусиятини йўқота борди. Шунга қарамай, у ўзининг фавқулодда ўткир дийдаси билан одамларни ҳайратга солиб туради.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тўплади**

ХАНДАЛАР

*— Дўхтир, эрим бошқа сайёрадан келганман, дейди. Ёрдам беринг.*

*— Яхши, эртага эрингизни олиб келинг.*

*— Хўп бўлади, лекин қаерга қўнишимни кўрсатиб қўйсангиз.*

* * *

*— Дўхтир, ростданам сизларда менинг касалимга дори топиладими?*

*— Бўлмасам-чи! Бизда шунақа дорилар борки, ҳали уларга касаллик топилгани йўқ.*

* * *

*Тиш дўхтири бормашинани юргизиб, беморга деди:*

*— Собир, эсингдами, мактабда орқа партага ўтириб олиб, нуқул қаламнинг учини елкамга тиқардинг-а?*

* * *

*Бемор операция столида ётар экан, жарроҳга деди:*

*— Ниқобингизни ечишингиз мумкин, барибир сизни таниб олдим.*

* * *

*Жарроҳ беморни тинчлантиришга уринарди:*

*— Хотиржам бўлинг, бу жуда оддий операция бўлади, ярим соатдан кейин турсангиз ҳам бўлади. Бир соатдан кейин ҳатто мана шу оёқларингиз билан юриб кетасиз. Худо хоҳласа кечқурунга бориб чопқиллаб кетасиз.*

*— Дўхтир, ахир қачон ётиб дам оламан?*

**Маъпура НАБИЕВА тайёрлаган**



Сен тенги болалар машина ювиб пул ишлаяпти, сен эса кўча чангитиб юрибсан, такасалтанг.



— Ҳамма ўз бурчини яхши билганида бунақа қоронғу кўчалар бўлмас эди.

Шуҳрат Субҳонов расмлари.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

# Иккинчи дарвеш қиссаси

*(Охири).*

Андоққим бу аснода муқаддимайи лашкари фаранг зоҳир бўлди. Беҳзодхон мисли шери ғаррондек ул лашкарга ўзини урди, ҳар тарафга ҳамла қилур эрди. Наъра урар эрди эй кофирлар ўз хунларинг ўз бўйниларинггаки ўзларинг билиб туриб манинг олдимға келурсизлар деб, ўзини фаранг лашкарининг сардорига етказди. Лашкарбоши ҳам ҳамла қилди. Неча ҳамла ўртада радди-бадал бўлди. Андоғким Беҳзодхон бир наъра тортди, худони ёд этиб лашкарбошини бошига шамшер урди ва икки пора қилди. Ул яна шамшери билан байроқдор (аламбардор)ни ҳам ҳалокатга еткурди. Байроқ оёқ остига тушди. Подшоҳ лашкари қочмоққа бошлади, ул шердил душманни ярим фарсанг йўлғача орқасидан қувиб борур эрди. Сўнгра қайтиб келиб ул анҳорни лабиға тушиб юз-қўлини ювди, сўнгра тепалик тагига келиб қанча узрхоҳликлар қилди ва айдики, эй азизлар меҳнат ва машаққатни кўп тортдинглар, бу бандадан нечоғлиқ нуқсон ўтган бўлса карам қилиб кечиринглар – деб, яна отига минди. Яна йўлга равона бўлдик. Кечаси йўл юрдик, кундузи бир ўтлоқга етиб, анда қўниб, отларни ўтга қўйдик. Ўзимиз ҳам бир мунча таом тановул қилдик ва бир лаҳза ором олдик. Шул манвол билан қатъи манзил ва мароқил тай (босиб) қилдик. Аммо рўзгорнинг шеваси ва замона ҳодисотларидин ғофил эрдик. Шул тариқа уч ой йўл юрдик, сўнгра ўз шаҳримни қаламравига кирдик. Ва бир кишини шаҳарга юбордик, токи келганимиз хабарини отам хизматига арз қилғай. Отам эшитган ҳамоно ўғлимнинг истиқболига чиқайин деб тамоми аркони давлати билан беш фарсанг йўлга пешвоз келдилар. Ўртада дарё бор эрди. Дарёнинг ул қирғоғида отам лашкари билан турур эрди, бу томонда бизлар турардик. Менинг хаёлимга келдики, отам дарёни кечиб мени ҳузуримга келиши мен учун ноқулай ва одобдан эмасдур. Бинобарин, мен отамдин илгарироқ отимга қамчи босиб дарёга тушиб, сувни кечиб отам ҳузурига етдим. Ўзимни отам оёғига ташлаб, пойи қадамини ўпиб, юз-кўзимга суртдим. Ногоҳ кўрдимки дарё томонда ғавғо кўтарилди. Қазодин ман минган от байтал эрдики боласини ул нозанин санам миниб эрди. Боласи чун онасини сув ичида кўриб, саркашлик қилиб, жиловни маликанинг қўлидан чиқариб, ўзини дарёга ташлабдур, андоғким дарё ўртасига етганда сув маликани суриб, гирдобга тортди. Беҳзодхон муни кўриб ўзини сувга ташлаб, ул маликани қутқармоқ учун шошиларди. Аммо сув иккаласини ғарқ қилди, улар неча марта сув устига чиқсаларда ва яна сув остига чўкардилар. Сув илмини биладиган одамлар бор эрди, улар ўзларини сувга ташлаб, сув остини ҳарчанд қидирдилар, улардан ҳеч бир асар топилмади.

Эй дарвешлар, оҳимни дуди фалакка ўрлади, кўп ҳаракат қилдим, аммо фойда бермади. Эй дарвешлар, тортган ранж-заҳматларим зоеъ кетди. Алқисса эй дарвешлар, қанча муддат ғам ва андуҳлар чекиб, ҳижрон азобига гирифтор бўлиб, ўшандоғ маликани қўлга киргизиб эрдим жудо бўлдим. Ҳаммадан ажиброғи бул эрурки ул жавонмард шердил йигит мени ҳаққимда беғараз одамийлик ва мардоналик қилиб, охируламр манинг шумлиғимдин дарёга ғарқ бўлди. Филҳол ёқамни чок қилиб, оёқ яланг бўлиб биёбонга юзландим. Отам ва аркони давлат ҳарчанд манъ қилдилар бўлмади. Бир неча муддат биёбонларда зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб юрдим аммо ул матлабимдан ҳеч бир асар топмадим. Кўнглимда ўзимни ҳалок қилсам деган андеша вужудга келди. Қазодин бир кун тоққа етдимки, анда бир обид равшан замир кишини учратдим. У тиловати қуръон қилур эрди. Ул пир мани Қустантания шаҳрига жўнатди, алҳамдулиллоҳ, сизларни хизматларингизга етишдим. Алҳол кўрайинчи бу ҳол қаёнга анжом топаркин – деб, ўз ҳикоясини ниҳоясига еткурди.

Ровий андоғ ривоят қилибдурки, ул дарвеш ўз саргузаштини айтиб тамом қилди эрса муаззин бомдод намозига азон айтди. Подшоҳ Озодбахт ул пуршавқ қабристондан чиқиб шаҳарга равона бўлди. Шаҳарга кириб ўз давлат саройига етди, намоз бомдодни ўқиб, доҳили боргоҳи салтанат бўлиб, аркони давлатга кўриниш бериб ўлтирди. Сўнгра подшоҳ ясовуллардан беш ададини чорлаб айдики, фалон қабристонда тўрт адад дарвешлар бордур, холо бориб олиб келинглар ва манинг хизматимга олиб киринглар – деб, уларни қабристонга жўнатиб, ўзи умаролар ва аркони давлат билан ўлтурди.

Энди икки калима сўзни дарвешлардин эшитмак керак.

Ровий айтурки дарвешлар фарз намоз бомдоддан фориғ бўлиб, хоҳладиларки равона бўлсалар. Шул аснода подшоҳ ясовуллари етиб келдилар ва салом бериб дедиларки, тезроқ бўлингларки подшоҳ сизларни чорлайдур. Дарвешлар ҳайрон бўлдиларки подшоҳни бизлар билан нима иши бор экан – деб, яна бир-бирларига айдиларки подшоҳнинг бизларга бирор сўзи бормикан – деб, ясовуллар билан шоҳ саройига равона бўлдилар. Ясовуллар дарвешларни подшоҳ даргоҳига ҳозир қилдилар ва дарвешлар подшоҳни дуо қилмоққа тил очдилар. Дуодан сўнг бир чеккада таваққуф қилиб турдилар. Подшоҳ аркони давлатни йиғиб, сўнгра дарвешларни ўз яқинига таклиф қилди. Мулойимлик билан йўлнинг ранжу меҳнатини сўради. Подшоҳ маҳрамларга айдики дастурхон келтиргайлар. Дарҳол турли-туман нози неъматлар келтирдилар. Дарвешлар таомдин тановул қилиб, шарбатлардин ичдилар.

Подшоҳ айдики эй дарвешлар, хуш келибсизлар ва қадами сафо келтирибсизлар, қайдин келурсизлар ва қаёнга борурсизлар ва нима мақсудларинг бор деди. Дарвешлар ўринларидан туриб, подшоҳға таъзим қилиб, арз қилдиларки подшоҳнинг умр ва давлатларини худо зиёда қилғай, биз дарвешлар ғариб ва бечора, ватандин овора бўлган ва саргашта бўлғон ва гирди жаҳонни кезган, кўп ранжу заҳмат тортган, ғам заҳридан кўп марта нўш этган, дарё ва қуруқларни кўп сайр этган, бир лаҳза роҳат билан осойиш топмаган бандалармиз дедилар. Подшоҳ айдики, мундан равшанроқ баён қилинглар деди. Дарвешлар айдиларки; Байт: Дардимиз дармони йўқдур эй ғиёс, ҳажримиз поёни йўқдур эй ғиёс. Эй шаҳриёри олам бизларда ўз аҳволимиздан тўлиқ сўзламакка ва кишиларда эшитмакка тоқат йўқдир. Подшоҳ Озодбахт табассум қилиб айдики, эй дарвешлар билинглар шул кеча вақтики бу икки дарвешлар ўз саргузаштларини нақл қилур эрдилар, ман ўшал мавзеъда эрдим ва бу икки дарвешнинг қиссаларини эшитдим, энди яна эшитсам керак деди. Дарвешларнинг баданига ларза тушди, бошларини қуйи солдилар. Подшоҳ айдики эй дарвешлар айтмайсизларму? – деди. Дарвешлар жим туравердилар.Подшоҳ кўрдики дарвешларда ҳол ва маҳол йўқ. Шундан сўнг, подшоҳ сўз эшигини ўзи очиб, аларга ўз саргузаштидан ҳикоят қилмоққа жазм қилиб дедики, эй дарвешлар алҳол сизлар ўз саргузаштларингни айтмакни мандин дариғ тутдинглар деб аларға хитоб қилиб айдики, эшитинглар эй дарвешлар, ул саргузаштки менга рўй берган эди, мундин анча вақт аввал содир бўлиб эрди ва анинг ҳақиқатига етиб эрдим деди.

Дарвешлар одоб юзасидан ер ўпиб айдиларким биз гадолар ҳолига шоҳона шафқат янада зиёдароқ бўлурким, подшоҳ ҳазратлари илтифот юзасидан сўз гавҳарини сочсалар дедилар.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**



*Фарзанд билан гўзалдир олам.*

## БИЛАСИЗМИ?

● Америкада бир аёлнинг вазни 500 килограмм эди, шунга қарамай, у цирк саҳнасида ўйнаган.

● Чилилик Леонтинк Альбинк 57 ёшида...43-фарзандини дунёга келтирган.

● Индонезиялик деҳқон аёл Сурье ўз ҳаёти мобайнида 39 марта турмушга чиқиб улгурган.

● Рангупалик Бханданта Виситсара 1974 йил майида рекорд натижани намойиш қилди. У буддизм каноник матнининг 16 минг саҳифасини ёддан айтиб берган. 26 ёшли Гау Янминь эса ўз хотирасида Харбиннинг 15 минг телефон рақамини сақлай олган.

● Канадалик Симменс ўз танасига 4830 та «бадиий» сюжет тасвирланган татуировкаларни туширган.

● Бразилиялик фуқаро Зиёд Фавзий 58 тилда бемалол сўзлаша олади. Ҳозир Зиёд Фавзий Антиль оролларида яшовчи фуқароларнинг паппаменто тилини ўрганмоқда.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**

## 02: ҲОДИСАЛАР

❐ **Мирobod** туманида номаълум шахс пенсионер, 1939 йилда туғилган Р.А.нинг уйидан, очиқ қолдирилган эшикдан эркин кириш йўли билан хорижда ишлаб чиқарилган телевизор ва магнитофонини ўғирлаб кетган. Туман жиноят-қидирув бошқармаси ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида ушбу жиноятни содир этган Чилонзорда яшовчи А.Л. ушланди. Ундан ўғирланган нарсалар ашёвий далил сифатида олинди.

❐ **Шайхонтоҳур** туманидаги Лабзак даҳасида жойлашган 17-касб-ҳунар мактаби ҳудудида, ушбу мактаб талабаси Н.Х. ўз курсдоши А.А. билан ўзаро жанжал оқибатида уни уриб, тан жароҳати етказди. Натижада А.А.га «бурун суяги ва олдинги иккита тиши синган» ташхиси билан касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилган.

❐ **Бектемир** туманида Ички ишлар Бош бошқармаси Жиноят қидирув бошқармаси ходимлари томонидан «Роҳат» йўл патруль хизмати масканида ўтказилган тадбир натижасида андижонлик Б.З. бошқарувида бўлган «Нексия» русумидаги автоулов тўхтатилиб, текширилди. Текширув натижасида автоулов ичида бўлган йўловчилар — Андижонда яшовчи уч аёл Х.Ҳ,М.Х, ҳамда Х.К.лар ушланиб, уларнинг ёнидан 1 килограмму 407 грамм «героин» гиёвандлик моддаси топилди ва ашёвий далил сифатида олинди.

❐ **Чилонзор** тумани Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида 1960 йилда туғилган, судланмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Чилонзорда яшовчи А.С. ушланиб, унинг уйида қўлда ясалган, рақамсиз, 9 миллиметр калибрли 1 дона тўппонча топилди. Экспертиза хулосасига кўра бу тўппончанинг жанговар ўқотар қуроли эканлиги аниқланди.

❐ **Чилонзор** туманида Тошкент шаҳар ИИББси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида 1961 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган В.Ш. ва 1957 йилда туғилган, иш жойининг тайини йўқ С.Г.лар «С» исмли номаълум шахсга цилиндрсимон, диаметри ва узунлиги 71 миллиметр бўлган 400 грамм миқдордаги тротил портловчи моддаси, бир дона электр детонатор ҳамда гексопластни 40 минг сўмга сотаётган пайтда далилий ашё билан қўлга олиндилар.

❐ **Мирзо Улуғбек** туманидаги хонадонларнинг бирига қоқ тунда номаълум кимса ўғирликка тушиб, иккита гилам, учта товуқ ва икки шишаароқни гумдон қилган. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида тез орада қўшнисини қақшатган, ҳеч қаерда ишламайдиган Р.З. ушланди.

❐ **Шайхонтоҳур туман**идаги хонадонларнинг бирига 16 ёшли ўқиш ва иш жойининг тайини йўқ Д.Қ. очиқ қолган эшикдан кириш йўли билан ғаразли ниятда кириб, хонадон соҳибасининг учта ҳар хил сариқ металлдан ишланган тақинчоқларини ўғирлаб кетган. Осойишталик посбонларининг оқилона саъй-ҳаракатлари натижасида ўғрининг қабиҳ фаолиятига чек қўйилди.

❐ **Бектемир** туманидаги Қўйлиқ улгуржи бозорида ҳам ўғирлик жинояти содир этилди. Андижон вилоятидан келган, ишламайдиган С.Р. тадбиркор Ю.Ф.нинг 94.600 сўм қийматидаги 220 килограмм миқдордаги апельсинларини гумдон қилиб жуфтакни ростлаётганида жиноят-қидирув хизмати ходими Ёқубов томонидан далилий ашё билан ушланди.

❐ **Сирғали** туманида жойлашган Тошкент аэропорти ёнидаги кўприк тагидаги туман телефон тармоғининг 23 метр узунликдаги телефон кабелини ўғирлаб кетишган. Жиноят-қидирув хизмати ходими Лазаревнинг самарали саъй-ҳаракатлари натижасида жиноят иссиғида фош этилиб,кабель ўғриси, ҳеч қаерда ишламайдиган 35 ёшли О.С. далилий ашё билан ушланди.

**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати.**

## САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

# Кўзингиздан шикоятингиз йўқми?

Ҳурматли «оқшом»хонлар!

Бугундан бошлаб ҳар ҳафтанинг жума кунлари турли туркумдаги сўровномаларни эътиборингизга ҳавола этишга азму қарор қилдик. Мақсадимиз ҳар бир газетхон шу сўровномалар орқали ўзи ҳақида, характери, одатлари, дунёқарашлари, саломатлиги ҳақида муайян илмий асосга таянган тасаввур пайдо қилишига эришиш ва шу йўл билан баъзи бир салбий жиҳатларни ўзидан узоқлаштиришига кўмаклашишдан иборат.

Марҳамат, дастлабки туркум сўровномаларимиз саломатлик билан боғлиқ.

Шундай қилиб, инсон учун энг муҳим аъзолардан бири бўлган кўз ҳақидаги сўровнома билан мазкур туркумни бошлаймиз. Кўзингиздан шикоятингиз йўқми? Ушбу саволга аниқ ва тўғри жавоб олиш учун қуйидаги сўровнома саволларига жавоб бериб чиқишга таклиф этамиз. Берилган уч хил жавобдан бирини танланг.

**1. Китоб ёки бошқа бир нарсани ўқиётганингизда кўзингиз олдида ҳарфлар қўшилиб кетиш ҳоллари юз бериб турадими?**

а) ҳа, тез-тез шундай ҳолат бўлиб туради;

б) ҳеч қачон бундай бўлмаган;

в) баъзида шундай бўлади.

**2. Кўзларингиз толиққанда, улар қизарадими?**

а) шарт эмас;

б) камдан-кам қизаради;

в) ҳа, ҳақиқатан шундай бўлади.

**3. Иккала кўзингиз ҳам бир хилда яхши кўрадими?**

а) билмайман;

б) ҳа, иккала кўзим ҳам яхши кўради;

в) бир кўзим хирароқ кўради.

**4. Кечга бориб, қовоқларингиз оғирлашиб, кўзларингиз толиқадими?**

а) йўқ, мен ўзимни жуда яхши ҳис этаман;

б) ҳа, кўзларим толиқади;

в) баъзан шундай бўлади.

**5. Кўзларингиз қичишиши тез-тез содир бўлиб турадими?**

а) ҳа, тез-тез;

б) вақти-вақти билан;

в) камдан кам шундай бўлади.

**6. Кўзингиз олдида «қора доғлар» пайдо бўлиб турадими?**

а) жуда ҳам тез-тез эмас;

б) йўқ, бундай бўлмайди;

в) ҳа, шундай бўлиб туради.

**7. Кўзингизда қаттиқ санчиққа ўхшаш оғриқни сезган пайтларингиз бўладими?**

а) ҳеч қачон бунақанги нарсани сезмаганман;

б) ҳа, кўзим қуриб қолаётгандай туюлади;

в) баъзан шундай бўлади.

**8. Баъзан бирданига яхши кўрмай қолиб, кейин яна ҳаммаси жойига келадиган ҳолат баъзан юз берадими?**

а) ҳеч қачон;

б) билмайман;

в) ҳа, баъзан шунақа бўлади.

**9. Эрталаб уйқудан уйғонганингизда салқиб қолган қовоқларингизни очиш қийин бўладими?**

а) ҳа, лекин камдан кам шундай бўлади;

б) ҳа, тез-тез шундай бўлиб туради;

в) амалда ҳеч қачон бундай бўлмаган.

**10. Сиз майда ҳарфлар билан ёзилган матнни ўқий оласизми?**

а) йўқ, ҳаммаси чаплашиб кетади;

б) ҳа, бемалол ўқий оламан;

в) ҳамиша ҳам ўқий олавермайман.

Калит

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| а | 1 | 2 | 0 | 2 | 1 | 0 | 2 | 2 | 0 | 1 |
| б | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 2 |
| в | 0 | 1 | 2 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 2 | 0 |

**0-6 балл.** Кўзингиз жиддий эътиборга муҳтож. Сиз кўз шифокорига мурожаат қилишингиз керак. У кўриш қобилиятингизнинг пасайиб бориши олдини қандай олиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради. Телевизорни камроқ кўриб, майда ҳарфли китобларни камроқ ўқинг. Яхшиси, ёқимли куйларни кўпроқ тингланг.

**7-14 балл.** Ўзингиз ҳам кўзингиздан хавотирда бўлсангиз, мутахассисга мурожаат қилинг. Бу ишни орқага сураверманг. Агар кўзларингиз толиқса, дам олинг, кўзларингизни юмиб, бироз уқалаб қўйинг. Шундай кезларда кўзингизни зўриқтирманг. Ҳамма ишни бирваракайига қилиб бўлмаслиги, аммо сиз кўздан ажраб қолишингиз мумкинлигини унутманг.

**15-20 балл.** Сизга ҳавас қилса арзийди. Сиз жуда яхши кўрасиз ва кўзларингиз соппа-соғ. Фақат кўзларингиз саломатлигини кузатиб борсангиз бўлгани. Бу масалага енгил-елпи қарамай, олдини олиш мақсадида баъзан кўз шифокорига ҳам кўриниб туринг.

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма



**Энига:** 5. Ҳиндистондаги дарё, Ганг ирмоғи. 6. Қадимдан оммалашган тасвирли жумбоқ. 9. Ҳушбўй кўркам манзарали ўсимлик. 10. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 11. Юк ва йўловчи ташиш учун мўлжалланган очиқ кузовли мўъжаз автомобиль. 13. М. Турғунбоева ташкил этган рақс гуруҳи. 14. Қазилма ёқилғи. 16. Болтиқ бўйидаги республика пул бирлиги. 18. Қуруқ мева. 21. Тўшама жиҳоз тури. 22. Ёзув-чизув ишларини олиб борувчи лавозимли киши. 25. Кучли денгиз тўлқини, довул. 26. Таниқли ўзбек санъаткори, илк бор суратга олинган «Ўтган кунлар» фильмидаги Юсуфбек ҳожи сиймоси ижрочиси. 27. Миллий ширинлик тури. 28. Тригонометрик функция.

**Бўйига:** 1. Вақт ўлчови. 2. Жисмларнинг тинч ёки ҳаракат ҳолатини сақлашга интилиш хусусияти. 3. Пойтахтимиз вилоятидаги шаҳар. 4. Ўзбек халқ мақоми. 7. Сабзи нави. 8. Ихтиёрий равишда амалга ошириладиган иш, фаолият. 12. Темирга ишлов бериб ҳосил қилинган метал. 13. Маълум бир вазифани амалга ошириш учун тузилган ҳужжат. 15. Ой номи. 17. Суюқ таом. 18. Сайроқи парранда. 19. Француз футболи юлдузи. 20. Қаттиқ совуқ бўралаган шамол, қорли уюрма. 23. Уч ёшга тўлиб тўрт ёшга ўтган от ёки туя. 24. Мусиқа асбобини чалиш мосламаси.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Инсоннинг яқинларига бўлган самимий муносабати – 12, 13, 10, 4.

2. Савдо муассасаси – 9, 16, 17, 11, 1.

3. Ғалла экини – 8, 7, 5, 6.

4. Дангасада бўлмайди – 14, 2, 15, 4, 2, 3.

Энди шакл атрофидаги рақамларни «очқич» жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан ёй қаторлари бўйича ўқиш билан мусулмон оламининг чаҳорёрларидан бири ҳазрат Али насиҳатларидан бирини билиб олишга эришасиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

## Газетанинг 12 январь сонида чиққан бошқотирманинг жавоблари:

1. Камалак. 2. Келажак. 3. Куркунак. 4. Кўмик. 5. Каучук. 6. Курмак. 7. Куртак. 8. Казбек. 9. Калвак. 10. Кўприк. 11. Кўрк. 12. Кўлмак. 13. Кўшк. 14. Камтарлик. 15. Кўзойнак. 16. Крамник. 17. Курск. 18. Кепак. 19. Кўмак. 20. Кемасозлик. 21. Кенглик. 22. Каштадўзлик. 23. Купрейчик. 24. Кўпбурчак. 25. Каклик. 26. Келишик. 27. Квебек. 28. Касаначилик. 29. Катак. 30. Коваток. 31. Кўсак. 32. Кичик. 33. Коперник. 34. Капалак.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Лавҳ. 2. Завқ. 3. Дўст. 4. Иншо. 5. Нур.

**Ҳикмат:** Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

«Оталар сўзи».

**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 209**

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-2007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6